

Qishloq hayoti

2013 йил Обод турмуш йили

Qishloq ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz 2013-YIL 11-APREL, PAYSHANBA, 45 (8126)-son 1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan Bahosi kelishilgan narxda.



Бухоро педагогика коллежи ўқувчиси — шахматчи Нигина уларнинг тўнғич фарзанди. Ўғли Беҳруз умумтаълим мактаби ўқувчиси. У “Ёшлик” спорт мажмуасида мураббийлар Анвар Жумаев, Ихтиёр Раҳматов бошчилигида спорт гимнастикаси билан мунтазам шуғулланиб, маҳоратини ошироқда. Вилоят, мамлакат миқёсида ўтказилаётган ўсмирлар спорт мусобақаларида муваффақиятли қатнашиб келади. Мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиси Беҳзод эса оиланинг кенжаси. У ҳам акаси сингари гимнастикачи. Шу турдаги беллашувларда юқори натижаларга эришмоқда.
Тоҳир ИСТАТОВ (ЎЗА) олган сурат.

СПОРТЧИЛАР ОИЛАСИ

БУХОРОЛИК ИСТЕЪФОДАГИ ҲАРБИЙ ЭРКИН ТЕМИРОВ ВА УНИНГ РАФИҚАСИ — ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ СОҲАСИ ХОДИМАСИ ХОСИЯТ ОПА СПОРТЧИ ФАРЗАНДЛАРИ БИЛАН ФАХРЛАНАДИ.

ОБОД МАНЗИЛЛАРДА МУҲТАШАМ УЙЛАР

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ ТАШАББУСИ БИЛАН БОШЛАНГАН, БУГУНГИ КУНДА ЖАДАЛ ДАВОМ ЭТАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР ЗАМИРИДА ОБОД ТУРМУШ ФАЛСАФАСИ МУЖАССАМ

Юртбошимиз раҳнамолигида мустақиллик йилларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, улкан бунёдкорлик ишлари самараси ўлароқ, кун сайин нафақат шаҳарларимиз, балки энг олис қишлоқларимиз жамоли ҳам гўзал қиёфа касб этмоқда. Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорига биноан, бу каби бунёдкорлик ишлари янада жадал тус олди.

Халқимиз азалдан яратувчанлик ва бунёдкорлик ишлари устаси сифатида донг таратган. Шу боис, биз қурган иморатлар асрлар давомида дунё аҳлини ҳайратга солиб, ҳавасига сазовор бўлиб келмоқда. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида

бошланган намунавий лойиҳалар асосида яқка тартибдаги уй-жойлар қурилиши эса бу аънананинг истиқлол йилларидаги янги эътирофига айланди. Қишлоқлар қиёфасини миллий ва замонавий архитектура, саноат асосида тубдан ўзгартириш ва янгилаш, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси ҳамда сифатини оширишга йўналтирилган уй-жой, ижтимоий ва коммунал объектлар, коммуникация тармоқларини барпо этиш борасида аниқ мақсадли ишларнинг бажарилиши фикримиз тасдиғидир.

— Ўтган йили оиламиз билан янги уйга кўчиб ўтдик, — дейди Сирдарё вилояти Боёвут туманидаги “Ғайбуллаев Абдурахмон” фермер хўжалиги раҳбари Абдурахмон Ғайбуллаев. — Уйимиздаги шароитларни кўриб кўз қувонади, дил яйрайди.

Энг муҳим жиҳатларидан бири — тайёр ҳолда топширилган, миллий менталитетимизга мос равишда қурилган намунавий лойиҳадаги бу уйлар қурилиши баробарида, маҳалламизга яқин жойларда мактаб, қишлоқ врачлик пунктлари, гузарлар, спорт майдончалари, савдо мажмуалари ҳам барпо этилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, қишлоқ жойларда тасдиқланган намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойлар қийматини пасайтириш, уй-жойлар қурилишида ишлатиладиган асосий қурилиш материаллари, жумладан, пишган гишт, эшик-ром ва том ёпиш материаллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

(Давоми 3-саҳифада)



TOSHKENT
16-17 APREL 2013

«ZAMONAVIY UY-JOY QURILISHI - QISHLOQ JOYLARINI KOMPLEKS RIVOJLANTIRISH VA QIYOFASINI O'ZGARTIRISH HAMDA AHOILI HAYOTINING SIFATINI YAKSHILASH OMILI»

«СОВРЕМЕННОЕ ЖИЛИЩНОЕ СТРОИТЕЛЬСТВО КАК ЛОКОМОТИВ КОМПЛЕКСНОГО РАЗВИТИЯ И ПРЕОБРАЗОВАНИЯ СЕЛА, УЛУЧШЕНИЯ КАЧЕСТВА ЖИЗНИ НАСЕЛЕНИЯ»

«MODERN HOUSING CONSTRUCTION AS A DRIVING FORCE OF COMPREHENSIVE DEVELOPMENT AND TRANSFORMATION OF RURAL AREAS, ENHANCING THE LIVING STANDARDS OF POPULATION»

ОЧИҚ МУЛОҚОТЛАР ВА САМАРАЛИ КЕЛИШУВЛАР

ПОЙТАХТИМИЗДА «BANKEXPO-2013» – БАНК ТИЗИМИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ, УСКУНА ВА ХИЗМАТЛАРИ ОЛТИНЧИ АНЪАНАВИЙ МИЛЛИЙ КЎРГАЗМАСИ БЎЛИБ ЎТМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар ҳамда Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмиталари, Ахборот технологиялари корхоналари ва ташкилотлари ассоциацияси ҳамда Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ) билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбир банкирлар ва мижозлар, ҳамкорлар ўртасида очик мулоқотлар ва самарали келишувларга бой бўлмоқда.

Тадбирнинг очирилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг ўринбосари А.Хайдаров, Ўзбекистон банклар уюшмаси бош директори С.Абдуллаев, Савдо-саноат палатаси раисининг ўринбосари У.Эрназаров ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида банк-молия соҳасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар миллий банк тизимининг барқарор ривожланиши, иқтисодиётимизнинг янада юксалиб, халқимиз фаровонлигининг ошишига хизмат қилаётганини таъкидлади.

Бугунги кунда молия-банк тизими барқарор ва ишончли фаолият юритиб, юқори кўрсаткичларни намойён этиб келмоқда. Бу жараёнда Президентимизнинг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислох қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда



юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Қарори муҳим дастуриламал вазифасини ўтамоқда. Бу халқаро ташкилотлар томонидан ҳам эътироф этилаётди. Хусусан, ўтган йили мамлакатимизнинг 28 та тижорат банки ижобий халқаро рейтингга эга бўлди. Ҳолбуки, 2010 йилда бу кўрсаткич 13 тани ташкил этганди. 2012 йилда банк тизимининг жами капитали 24,3 фоиз, сўнгги уч йилда эса икки баробар кўпайди. Бугунги кунда банклар капиталининг етарлилик даражаси 24,0 фоиздан ошди. Бу қабул қилинган умумий халқаро стандартлардан уч баробар ортиқни ташкил этмоқда.

Айни пайтда республикада ўттиздан ортиқ тижорат банки самарали фаолият юритмоқда. Уларнинг мижозлар манфаатини кўзлаб амалга ошираётган ишлари, мижозларнинг лойиҳаларини молиялаштиришдаги хизмати эътирофга сазовор бўлаётир.

Кўргазма давомида банклар томонидан аҳоли ва тадбиркорлар учун тақдим этилаётган истеъмол, ипотека ва бошқа кредитлар, микролизинг хизматлари, омонат турлари ҳақида батафсил маълумот берилмоқда. Айниқса, «Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, кичик тадбиркорлик субъектлари, ёш оилалар, оилавий бизнес, ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлаш йўлида бўлган таълим муассасалари битирувчиларига тақлиф этилаётган банк хизматлари кўпчиликтида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Кўргазма давомида банк тизими ходимлари ва иштирокчилар ўртасида давра суҳбатлари, семинарлар, тақдимотлар, учрашувлар, мастер-класслар ўтказиш учун барча имкониятлар яратилган.

Шунингдек, тадбирда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Хунарманд» уюшмаси, «Ўзбекистон мадания-

ти ва санъати форуми» жамғармасига қарашли Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, «Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми», «Келажақ овози» ёшлар ташаббуслари маркази ва бошқа бир қатор ташкилотлар ҳам ўз имконият ва ёрдамларини тақдим этмоқда.

Икки кун давом этадиган кўргазмада чекка ва аҳоли зич жойлашган туманларда фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, ишлаб чиқариш микрофирмалари, деҳқон ва фермер хўжаликлари, энди иш бошлаётган ёш тадбиркорларнинг аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган лойиҳалари бўйича ўтказилган танловлар ғолибларига банкларнинг имтиёзли кредит ажратиш ҳуқуқини берувчи сертификатларини топшириш маросими ҳам ўтказилди.

Аҳмаджон РИХСИБОВЕ,
«Qishloq hayoti» мухбири.
Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.



ЧЕМПИОНАТ ДАВОМ ЭТМОҚДА

«Ўзбекистон» спорт мажмуасида оғир атлетика бўйича ўсмирлар ва қизлар ўртасидаги IV жаҳон чемпионати давом этмоқда.

Вазни 53 килограммгача бўлган қизлар ўртасида хитойлик Бинглиан Лин штангани даст кўтаришда 86 килограмм, силтаб кўтаришда 101 килограмм, иккикураш бўйича 187 килограмм натижа қайд этиб, учта олтин медалга сазовор бўлди. Корея Халқ Демократик Республикасидан келган Ун Сим Рим учта кумуш медални қўлга киритган бўлса, мексикалик Жанет Гомес иккита, венгриялик Ёрлис Забала битта бронза медал билан тақдирланди.

Ушбу баҳсда иштирок этган терма жамоамизнинг энг ёш аъзоси Гулноза Аҳмедова иккикураш бўйича 101 килограмм натижа кўрсатди.

56 килограмм оғирликдаги ўсмирлар мусобақасида таиландлик Тирасак Срипат иккита, хитойлик Фейёнги Жи битта олтин медални қўлга киритди. Қолган совринли ўринлар Венгрия, Руминия, Вьетнам ва Колумбия спортчиларига насиб этди.

Вазни 62 килограммгача бўлган полвонлар баҳсида қатнашган ҳамюртимиз Ғолиб Незматуллаев штангани даст кўтаришда 102 килограмм, силтаб кўтаришда 118 килограмм, иккикураш бўйича 220 килограмм натижани қайд этди.

Байрам АЙТМУРОДОВ,
ЎЗА мухбири.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАР КАМОЛОТИ ЙЎЛИДА КЎРСАТИЛАЁТГАН ЮКСАК ЭЪТИБОР ҲАВАСИМИЗНИ ТОРТДИ

Тошкент шаҳрида ўсмирлар ва қизлар ўртасида оғир атлетика бўйича тўртинчи жаҳон чемпионати давом этмоқда. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎЗА мухбирлари дунё биринчилиги иштирокчиларининг айримлари билан суҳбатлашди.

Росалио АЛЬВАРАДО,
Мексика миллий оғир атлетика федерацияси президенти:

– Ўзбекистонда ўтказилаётган ушбу спорт мусобақасида иштирок этаётган жамоамиз аъзолари чемпионатда ғолиб бўлиш мақсадида пухта тайёргарлик кўрган. Ҳар бир қатнашимизнинг чиқишини ҳаяжон билан кузатмоқдамиз. Мазкур мусобақа Ўзбекистонда ўтказилаётгани бежиз эмас. Мамлакатингизда спорт анжуманига пухта тайёргарлик кўрилган. Ўзбекистонда чемпионат иштирокчиларига кўрсатилаётган меҳмондўстлик ва юксак савиядаги ташкилий ишлар бошқа мамлакатларда кам учрайди.

Лин Хсинг ХУА, **оғир атлетикачи (Хитой Тайпейи):**

– Болалигимда оғир атлетика билан шуғулланаётган спортчиларга ҳавас қилардим. Бу спорт тури қўл ва оёқ мушакларини чиниқтириш, мунтазам жисмоний машқларни бажаришни талаб этади. Тажрибали мураббийлар сабоғи ва тинимсиз машғулотлар эришаётган ютуқларимда муҳим омил бўлмоқда. Бир қатор халқаро мусобақаларда совринли ўринларни

қўлга киритдим. Тошкент шаҳрида ўтказилаётган ушбу чемпионатда дунёнинг ўнлаб мамлакатларидан келган оғир атлетикачилар куч синашаётир. Рақобат ғоят кучли. Мақсадим мазкур беллашувларда ғалаба қозониб, олимпия ўйинларига йўлланма олишдир.

Ўзбекистонда ёшлар камолоти йўлида кўрсатилаётган юксак эътибор ҳавасимизни тортди.

Ренга Баю ПРАТАМА,
оғир атлетикачи (Индонезия):

– Халқаро мусобақаларда қатнашиш мақсадида кўплаб мамлакатларга борганман. Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, ҳали ҳеч бир мамлакат мени Ўзбекистондек ўзига мафтун этмаган. Айниқса, ўзбек ёшларининг юксак муомала маданияти, Ватанига муҳаббати, фахр-ифтихори, замонавий фикрлаши ва бой дунёқараши ҳавасимизни келтирди.

Ҳар бир спортчи учун энг асосий мақсад халқаро мусобақаларда ғолиб чиқиш ва Ватанига ёруғ юз билан қайтишдир. Тошкентдаги чемпионатда қатнашаётган барча оғир атлетикачилар ўз Ватани ша-

рафини муносиб ҳимоя қилишга интилоқда.

Муҳаммад Камол АЛСАИД, **оғир атлетикачи (Миср):**

– Амаким оғир атлетикачи бўлган. Бу менда болалиқдан мазкур спорт турига нисбатан меҳр уйғотган. Ўзбекистонда ўтказилаётган жаҳон чемпионати халқаро мусобақалардаги илк иштирокимдир. Ушбу турнирда муваффақиятли қатнашиб, 2014 йилда Хитойда ўсмирлар ўртасида ўтказилаётган олимпия ўйинларига йўлланма олишни ният қилганман. Чемпионат баҳонасида Ўзбекистондек гўзал мамлакатни кўриш бахтига мушарраф бўлаётганимдан жуда хурсандман. Мамлакатингиздаги тинчлик-осойишталик, одамларнинг ўзаро меҳр-оқибати, миллатларро тутувлик, ободлик ва фаровонлик менга жуда ёқди, ҳавасим келди. Ўзбек спортчилари орасида таланти ёшлар кўплигининг боиси ҳам мамлакатингиздаги ана шу тинчлик ва аҳиллик туфайли, десам хато бўлмайди.

ЎЗА мухбирлари
Ирода УМАРОВА,
Мадина УМАРОВА
ёзиб олди.

ОБОД МАНЗИЛЛАРДА МУҲТАШАМ УЙЛАР

(Боши 1-саҳифада)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 12 мартдаги «Қишлоқ жойларда яқка тартибда уй-жой қурилишининг асосий параметрлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, «Қишлоқ қурилиш банк» олдиға замонавий ускуналар ва тежамкорлик асосида иш юритадиган 12 та пишган гишт, ёғочдан эшикром тайёрловчи, том ёпиш материаллари ишлаб чиқариш қувватларини ишға тушириш вазифаси юклатилган эди. Ушбу қарор ижроси юзасидан «Қишлоқ қурилиш банк» «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси билан биргаликда қуриладиган уй-жойлар нархини арзонлаштириш, уй-жой қуришда ишлатиладиган асосий материаллар, хусусан, пишган гишт, эшик-ром ва том ёпиш материаллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйишға алоҳида эътибор қаратмоқда.

— «Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБ мазкур қарорлар ижросини таъминлаш учун 2010 йилда салкам 20 миллиард сўмлик ўз маблағларини йўналтирди, — дейди мазкур банк шуъба корхоналари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи Бобир Умаров. — Шундан 3,5 миллиард сўми пишган гишт, эшик-ром ва том ёпиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича янги ташкил этиладиган корхоналарнинг устав капиталига тўғридан-тўғри киритилди. Қолган қисми эса инвестиция кредитлари сифатида берилди. Натияжада республика



Фарход АБДУРАСУЛОВ (ЎЗА) олган сурат.

ликамикда йилиға ҳар бири 15-20 миллион дона пишган гишт ишлаб чиқарувчи 12 та заводға асос солинди. Ҳозирда ҳар бир гишт заводи куниға 50-60 минг дона пишқи гишт ишлаб чиқармоқда. Уларнинг иш суръатини 1,5 бараварға ошириш мақсадида мазкур корхоналар 2012 йилда олган соф фойдаси ҳисобидан 18 камерали қўшимча хумдонлар қуришни режалаштиришган.

Мазкур жараёнда яна шу нарса эътиборлики, бугунги кунда республикамиз вилоятларида банк томонидан ташкил этилган бу каби ишлаб чиқариш корхоналарида қарийб 700 та янги иш ўрни яратилди. Уларда асосан коллеж битирувчилари фаолият юритмоқда.

Жорий йилда ҳам мамлакатимизда аҳолининг бахтли ва фаровон турмуш кечириши учун амалға оширилаётган янги уйлар қурилиши янада кенг тус олмақда. Президентимизнинг 2013 йил 4 январдаги «2013 йилда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жойларни қуриш дастури тўғрисида»ги Қарорига асосан 2013 йилда республикамиз ҳудудларида умумий майдони 997,1 гектарни ташкил этувчи 353 та массивда 10 мингта уй-жой қурилиши кўзда тутилмоқда.

Дастур доирасида намунавий лойиҳалар асосида индивидуал уй-жойлар қурилишида иштирок этувчилар учун

бир қатор имтиёзлар яратиб берилган.

Жумладан, аҳолиға ажратиладиган ипотека кредитларини қайтариш юзасидан ўрнатилган 6 ойлик имтиёзли давр 1 йилгача узайтирилганлиги, «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси ва яқка тартибдаги уй-жой қурувчи ўртасида шартнома имзоланганидан сўнг яқка тартибда уй-жой қурувчиға ер участкасини ажратиш туман ҳокимининг қарори билан кимошди савдоси ўтказилмасдан умрбод мерос қилиб қолдирилдиган мулк тарзида расмийлаштирилиши, уй-жойлар барпо этиладиган массивларда сув таъминоти объектларини қуриш республика бюджети

маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиши каби имтиёз ва қулайликлар қаторида, 2013 йилда мазкур йўналишда тасдиқланган Дастурни амалға оширишда иштирок этувчи ташкилотлар ва аҳоли учун яна кўплаб имтиёзлар яратилди.

Хусусан, 2013 йил 1 январдан бошлаб янги уй-жойларни сотиб олган жисмоний шахслар, улар томонидан ипотека кредитларини тўлиқ қоплангунга қадар мулк солиғи тўлашдан озод қилиндилар. Бундан ташқари, чет элдан импорт қилинаётган қурилиш материалларини олиб кириш учун «Ўзсаноатмашинпекс» компанияси 2014 йил 1 январгача божхона тўловлари (йиғимлардан ташқари) ва қўшимча қиймат солиғи тўловлари тўлашдан озод қилинган. Шунингдек, уй-жой қурилишида иштирок этаётган ва «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси билан шартнома тузган субпудрат ташкилотлари ҳамда қарор иловасиға кўра қурилиш материалларини ишлаб чиқарувчи корхоналар (вилоятларда ташкил этилган «Қишлоқ қурилиш сервис» корхоналари) учун 2014 йил 1 январгача солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бир қатор қулайлик ва имтиёзлар яратилган.

Демак, қишлоқларимиз жамоли янада кўрк очади, замонавий ва шинам уйларда истиқомат қилаётган юртдошларимиз шодлиғиға шодлик қўшилади.

Улуғбек АСРОРОВ,
«Туркистон-пресс» муҳбири.

Самарқанд Вилояти

БУГУННИНГ ГАПИ

ҲАМ РЎЗБОРГА, ҲАМ БОЗОРГА ФАЙЗ

ТОМОРҚАНИНГ КАДРИГА ЕТГАНГА У ҲАМ САҲОВАТИНИ ОЧАДИ

Пастдарғом тумани маркази – Жума шаҳрининг бугунги қиёфаси ҳар қандай кишининг эътиборини тортмай қолмайди. Кенг ва раvon кўчалар, обод турар-жойлар, яшилликка бурканган боғлару хиёбонлар, ҳамма-ҳаммаси узукка кўз қўйгандек ярашиқли. Бугун кўклам қуёшидан нур эмаётган ана шу латофатли манзилларнинг файзига файз қўшилган. Шаҳарда, унинг атрофларида, бутун туманда яратувчанлик кайфияти ҳукмрон. Фермерлар тиззаға етиб қолган ғалласини парвариш қилиш, чигит экиш ишларини тезлаштириш билан бирга картошка, сабзавот экинлари етиштириш, боғларига ишлов бериш каби юмушларға ҳам вақт топмоқда. Айниқса, одамларнинг томорқа хўжаликларига амалға оширилаётган ишлар эътиборли.

Жума шаҳрининг Ҳовузак маҳалласида истиқомат қилувчи Норбўта Тўрақулов хонадонидамиз. Дарвозахонада яп-янги «Нексия» машинаси. Ҳовлидаги дарахтлар тартиб билан экилган. Бодомлар ҳосили кўриниб қолган, ўриклар ва гилослар оппоқ гулга бурканган, олмалар барг ёза бошлаган. Анор ва узумлар қиш таъсиридан энди халос бўлаётгандек.

— Ўтган йили мева мўл бўлди, — дейди Норбўта ака. — Уч туп хурмонинг ўзидан салкам ярим тонна ҳосил олдик. Бозордан мева сотиб олмаймиз. Аксинча, эҳтиёжимиздан ортиғини бозорға олиб чиқамиз. Томорқа орқали турмушимиз тўкин. Йил бўйи дастурхонимиздан сабзавот ва кўкатлар аримайди. Анави плёнкалар остида помидор ва бодринг ўсапти.

Норбўта Тўрақуловнинг қўшниси Фахриддин Ўроқов ҳам томорқани яшнатиб қўйганлардан экан. Каттагина ҳовлининг бир қисми анорзор. Бу ерда анорнинг ўзидан 24 туп экан. Гилос, олма каби мевали дарахтлар, турли хил сабзавотлар оилаға яхшигина даромад келтираркан.

Яна бир эътиборлиси, хонадонда йил бўйи исмалоқ ўстирилади. Қишнинг қаҳратонида ҳам бу ерда баҳорнинг севимли таомларини бемалол тайёрлаш мумкин.

Туманда аҳоли томорқа ерларидан самарали фойдаланиш, уларға талаб этиладиган моддий ресурсларни етказиб бериш ишлари кўнгилдагидек йўлга қўйилган.

Томорқа учун уруғ олишнинг бир қисми аҳоли маблағлари ҳисобига, яна бир қисми эса тижорат банклари кредитлари ҳисобидан амалға ошириляпти. Жумладан, «Агробанк»нинг Жума филиали 87 миллион 400 минг сўм, Гўзалкент филиали 91 миллион 200 минг сўм, «Микрокредитбанк»нинг Жума филиали 114 миллион 600 минг сўм кредит ажратди. Кредит маблағлари ҳисобига Тайлоқ туманидаги картошка уруғи етказиб берувчи «Элита Агро Султон» фермер хўжалигидан уруғлик картошка олиб келинапти.

Томорқаларға дуккакли дон учун 2,6 миллион сўмлик, озуқа экинлари учун 23,4 миллион сўмлик уруғлик талаб эти-

лади. Булар тўлиғинча аҳоли маблағлари ҳисобидан ҳал этилди. 13400 дона мевали кўчат, 16400 дона ток ниҳолини ҳам томорқа эгаларининг ўзлари сотиб олишди.

Аҳоли томорқаларига экилиши режалаштирилган кўчатлар туманининг ўзида, «Чархин» кўчат етиштириш корхонасида мавжуд эканлиги ҳам эътиборға молик. Бу ердан 8 минг туп олма, 3100 туп шафтоли, 1200 туп гилос, 5 минг туп ўрик, жами 28,8 миллион сўмлик кўчатлар, шунингдек, 16400 туп ток кўчатлари шартнома асосида олинди.

Аҳоли учун сифатли уруғлик, кўчатлар ҳамда экин-тикин учун энг зарур моддий-техника ресурслари савдосини йўлга қўйишда 7 та «Дамас» машинаси хизмати йўлга қўйилган. Ҳар бир машинада терминаллар ўрнатилган, барча уруғлар сертификатланган. Бу машиналарда уруғлик ёки кўчат сотиш билан чекланибгина қолинмасдан, экин экиш агротехникаси, тижорат банклари томонидан паррандачилик ҳамда хизмат кўрсатиш соҳалари бўйича тижорат кредитлари олиш тартиблари бўйича тушунтириш ишлари ҳам олиб борилади.

2013 йилда туманда аҳоли томорқалари ҳисобига 35800 тонна сабзавот, 12218 тонна ғалла, 3643 тонна полиз, 25298 тонна картошка, 920 тонна дуккакли дон, 5827 тонна мева, 3160 тонна узум, 8778 тонна озуқа экинлари етиштириш режалаштирилган. Бугунги саъй-ҳаракатлар эса бундай эзгу мақсадларнинг амалға оширилишидан, ҳар бир томорқа имкониятларининг очилишидан далолат беради.

Акбар ҚАРШИЕВ,
«Qishloq hayoti» муҳбири.

Қашқарё Вилояти

109 ЁШДА ЖАРРОҲЛИК СТОЛИДА

Китоб тумани марказий касалхонасида муқаддам деярли кузатилмаган ҳолат юз берди. 109 ёшли бемор операция қилинди ва тиббиёт соҳасининг ривожини самараси ўлароқ ушбу амалиёт муваффақиятли ўтди.


Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 19 йиллиғи арафасида «Шуҳрат» медали билан тақдирланган кекса онахон – Умид момо Холмуродова тумандаги Бештерак қишлоқ фуқаролар йиғини Машъал қишлоғида яшайди.

Мутахассислар томонидан могоға қорин олди девори юқори қисми чурраси ташхиси қўйилди. Беморни тажрибали жарроҳ, олий тоифали шифокор Сафия Кўчқорова операция қилди.

— Қирқ йиллик меҳнат фаолиятим мобайнида илк бор юз ёшдан ошган беморни операция қилишимға тўғри келди, — дейди шифокор. — Хайриятки, ҳамкасбларим билан операцияни муваффақиятли ўтказдик. Бундан жудаям мамнунмиз.

— Шифокорларға раҳмат. Айни пайтда онажоним ўзларини жуда яхши ҳис этмоқдалар, — дейди Умид момонинг келини Фароғат Узоқова.

Хусан ТЕМИРОВ


 Қашқадарё Вилояти


 АСАЛАРИЧИЛИК

Етиштириб бол, потмоқда иқбол

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигининг истиқболли тармоқлари ривожлантиришга қаратилган эътибор ўз самарасини бермоқда. Хусусан, асаларичилик соҳасини олиб кўрайлик. Ўтган йилларда асал ишлаб чиқариш ҳажми кўпайиб, тармоқда фаолият юритаётган субъектлар сони ошмоқда. Қашқадарё вилоятида ҳам бу борада ибратли ишлар амалга ошириляпти.



— 2012 йил якунига кўра, асаларичилик билан шуғулланган субъектлар сони 472 тани ташкил этди, — дейди вилоят Марказий ўрмон хўжалиги бош директори Бекбўта Абраев. — 2013 йилда эса улар сони яна кўпайиб, 508 тага етди. Шундан шахсий ёрдамчи хўжаликлари ўтган йили 334 та бўлган бўлса, бу йил улар сони 24 тага ортди.

Вилоятда фаолият юритаётган фермер хўжаликлари негизда ҳам ушбу тармоқни ташкил этишга алоҳида эътибор берилляпти. Ўтган йилда 8 та асаларичилик фермер хўжаликлари тузилиб, улар сони 134 тани ташкил этади.

Вилоятда асаларичиликни ривожлантириш, бу борадаги мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш мақсадида «Қашқадарё асали» масъулияти чекланган жамиятига асос солинди. Унга раҳбар этиб ушбу соҳа фидойиларидан бири — Яккабоғ туманидаги асаларичиликда наслчиликда ихтисослашган хусусий корхона раҳбари Карим Хонназаров тайинланди.

Карим акага асаларичилик ота касб. Унинг отаси Хонназар ота Эшназаров ана шу тармоқ билан шуғулланиб, 111 йил умр кўрган. Акаси — олий маълумотли шифокор Абдуқаҳҳор Хонназаров беморларни асал билан даволаб, уларнинг соғлиқларини тиклашда алоҳида фидойилик кўрсатяпти.

— 1992 йилда 80 оила асаларимиз бор эди, — дейди Карим ака. — 2008

йилда асалари оиласи юзтадан ошди. 2012 йилда «Микрокредитбанк»нинг Яккабоғ филиалидан 25 миллион сўм кредит олиб, асалари оилаларини яна кўпайтирдик. 1991 йилда 1,5 тонна асал етиштириб, ялпи даромад 10 миллион сўмни ташкил этганди. Ўтган йили эса 8 тонна асал етиштирдик. Ялпи даромадимиз 120 миллион сўмга, соф фойдамиз 80 миллион сўмга тўғри келди. Ҳозирда асаларичиликда наслчиликка ихтисослашган хусусий корхонамизда 400 дан зиёд асалари оиласи бор.


Карим ака Хонназаров катта оиланинг бошлиғи. Етти нафар ўғил, уч нафар қизнинг отаси. Тўнғич фарзанди Улугбек муҳандис. Шу билан бирга, асаларичилик касбини эъзозлаб келяпти. Ўтган йили «Микрокредитбанк»дан 14 миллион сўм кредит олиб асаларичилик тармоғини янада кенгайтирди. Ҳозирги кунда унинг 50 оила асалариси бор.

Наслчиликка ихтисослашган хусусий корхона жамоаси Фарғона водийси асаларичилари билан мустақам ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Улар яқинда Андижон вилоятининг Жалолқудуқ тумани ва Фарғона шаҳри асаларичилари хузурида бўлиб қайтишди. Натижада водийлик ҳамкорлардан 12 минг дона ром детал, мингдан ортиқ мум қоғоз (вошина), турли хил дори-дармонлар, зарур ашёлар келтирилди. Россиядан энг кўп асал берадиган фотцилия ўсимлиги уруғи

БИЛАСИЗМИ?

Асал олинган жойига қараб уларнинг тури маълум касалликларга шифо бўлар экан. Масалан, юқори нафас йўли шамоллаганларга тоғ асали фойда қилади. Ҳазм йўллари хасталикларига эса чўл ва далалардан олинган асал шифо бўлади. Юрак хасталикларига ўрмон асали кўпроқ наф келтирса, буёрак хуружига каштан дарахти гулининг асали қўлланилади.

Хусан ТЕМИРОВ,
«Qishloq hayoti» мухбири.


 НаВоий Вилояти

Тўдакўлда балиқ мўл

БАЛИҚЧИЛИККА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН «AQUA-TUDAKUL» ҚЎШМА КОРХОНАСИДА 2011 ЙИЛДА 821 ТОННА БАЛИҚ МАҲСУЛОТЛАРИ ТАЙЁРЛАНГАН ЭДИ. ЎТГАН ЙИЛИ ЭСА БУ ЕРДА МИНГ ТОННАДАН ОРТИҚ МИҚДОРДАГИ БАЛИҚ ЕТИШТИРИЛДИ.

— Корхонамиз 2004 йилда ташкил топган бўлиб, устав жамғармаси 1 миллион 230 минг АҚШ долларини ташкил этади. Соҳани ривожлантириш мақсадида балиқчилик учун зарур бўлган асбоб-ускуналарни сотиб олишга 490 минг АҚШ доллари миқдоридagi хориз инвестициялари жалб қилинди, — дейди корхона раҳбари Фарҳод Пўлатов. — Қисқа муддатда жаҳон андозаларига мос келадиган инкубацион цех қуриб, ота-она балиқлар тўдаси ташкил қилдик. Эндиликда улардан личинкалар оляпмиз.

Жамоа мавжуд шарт-шароитлардан унумли фойдаланиб, фаолият доирасини тобора кенгайтириб бораётир. Ишлаб чиқарилаётган балиқ маҳсулотлари маҳаллий бозорда сотилмоқда. Шунга мос равишда маҳсулот тури ҳам кўпайтириляпти. Бугунги кунда дўнг пешона, сазан, илонбалиқ каби 15 дан ортиқ балиқ турлари мавжуд.

Корхонадаги ишларда илм амалиётга пайваста этилмоқда. Шу мақсадда малакали мутахассислар жалб қилиняпти. «Аквакультура» илмий текшириш институти, Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Зоология институти қошидаги их-



тиология кафедраси Тўдакўл сув ҳавзасида балиқчиликни ривожлантираётган мазкур қўшма корхонанинг яқин ҳамкорига айланган. 2011 йилда балиқ чавоқларини етиштириш учун мўлжалланган ёпиқ турдаги сув айланмиш иншооти қурилиб, фойдаланишга топширилган эди. Бу ускуна ёрдамида табиий шароитдаги нисбатан 2-3 ой олдин балиқ чавоқлари олинмоқда. Шунингдек, ускуна ёрдамида балиқларни озиклантириш учун табиий озуқа ўстириш имконияти ҳам яратилди.

Балиқчилик соҳасини ривожлантириш ва модернизациялаш мақсадида корхонага ўтган йилларда 650 миллион сўмликдан зиёд инвестициялар

киритилди. Балиқ ва балиқ озуқаси етиштириш асбоб-ускуналари хориздан олиб келинди. Булар қаторида экстраузия усулида ем ишлаб чиқариш линияси, балиқларни озиклантириш автоматик ускуналари ўрнатилди. Балиқ чавоқларини ўстириш ҳавзалари барпо этилди. Шунингдек, кўшимча равишда 6 та янги ховуз қурилди. Фойдаланиладиган ховузлар майдони 135 гектарга етказилди.

Корхонадаги бундай сай-ҳаракатлар Тўдакўл сув ҳавзасидаги имкониятларни янада кенгайтириш, бозорни сифатли маҳсулотлар билан тўлдиршига хизмат қилади.

Абдуракул САТТОРОВ,
«Qishloq hayoti» мухбири.


 Фарғона Вилояти


ҚУЁНЧИЛИК ҲАМ ДАРОМАД МАНБАИ

ҚУВА ТУМАНИДА ЯШОВЧИ ИСОҚЖОН НАСРИДДИНОВЛАР ОИЛАСИ ЧОРВАЧИЛИК, ПАРРАНДАЧИЛИК БИЛАН БИР ҚАТОРДА, ҚУЁНЧИЛИКНИ ҲАМ РИВОЖЛАНТИРИБ, МЎМАЙ ДАРОМАД ТОПИШМОҚДА.

Ҳозирда махсус мослаштирилган биноларда Германиянинг «Резн», Бельгиядан келтирилган «Фландр» зотли қуёнлар парваришланмоқда. Улар бизнинг иқлим шароитимизга жуда тез мослашди. Бугунгача ҳар икки зотдан ҳам насл олинди. Шу кунларда бевосита насл олиш мақсадида 300 та жониворга мўлжалланган ферма қурилиши ниҳоясига етказилмоқда.

— Ҳар икки қуён зотидан ҳам йилига 9-10 марта, бир бола-лаганда эса 10-12 тагача насл олиш мумкин, — дейди оилавий тадбиркорлар зоошифокори Машраб Ҳайитбоев. — Қуёнлар уч ойлик бўлганида ўртача 4-5 килограмм гўшт олинади, кейинчалик бу миқдор 18 килограммгача етади.

Оилавий тадбиркор Исоқжон Насриддиновнинг айтишича, интернет тармоғи орқали бутун дунё қуёнчилари билан ўзаро тажриба алмашиб бориш йўлга қўйилмоқда. Мақсад эса тармоқ фаолиятини жаҳон андозалари даражасида ривожлантиришга қаратилган.

Айни пайтда тадбиркорлар оиласида 6 мингта товуқ парваришланаётган бўлиб, кунига 5 минг донага яқин тухум олинмоқда. Яқин вақт ичида 12 мингта товуқ боқишга мослаштирилган замонавий мажмуа қурилиши ниҳоясига етказилади. Айнан парҳез гўшт етиштириш мақсадида Хитой технологияси бўйича товуқхоналар ҳам қурилмоқда.

Абдувосит СИДДИҚОВ,
«Туркистон пресс» мухбири.

 Андижон Виложати

 ИЗЛАНИШ

 Тошкент Виложати

ЛАНДШАФТ МЕЪМОРЧИЛИГИ

ЮРТИМИЗДАГИ УЛКАН БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ ФЕРМЕРЛАР ФАОЛИЯТИДА АНА ШУНДАЙ СОҲАЛАР РИВОЖИГА ҲАМ ТУРТКИ БЎЛМОҚДА

Виложат қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси мутахассиси Иброҳимжон Маматов айнан ўрмончилик ҳақида сўз очиб, бу борада бошқаларга ўрнак бўлаётган пахтаободлик фермер Сайдулло Темиров ҳақида самимий фикрларини билдирди. Имкон бўлса, унинг раҳбарлигида аэропорт ҳудудида барпо этилаётган “мўъжаз ўрмонча”га бирга боришни таклиф қилди.

Аэропорт ҳудудида қарийб 2 гектар майдонни эгаллаган хиёбонга кўзимиз тушди. Сайдулло бошчилигида фермер хўжалигининг ўндан зиёд аъзолари ишларни поёнига етказиш арафасида ишлашаётган экан. Ҳамроҳимиз Иброҳимжон Маматов бизни Сайдулло билан таништирар экан, унинг жуда кўп жойларда яшил хиёбонлар яратганлиги, мижозлар томонидан буюртмаси кўп эканлигини таъкидлади.

Аэропорт ҳудуди Ипак йўлига туташ бўлиб, бу ерда Ўш, Фарғона, Қўқон ва Намангандан бошланган магистрал йўллар қисқа ораликда туташади. Ҳудудга яқинлашган сари дид билан бунёд этилган хиёбон эътиборингизни тортади.

2007 йилнинг бошида Сайдулло Темиров манзарали кўчатлар етиштиришга ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил этиш бўйича амалий ҳаракатларини бошлади ва унга 8 гектар ер майдони ажратиб берилди. Йиллар давомида турли ўлкалардан доналаб йиғиб келган манзарали дарахт ва бута уруғларига ҳам жон кирди. Дастлабки йили 10 хилдан зиёд кўчат уруғлари нишона кўрсатди. Тошкентдаги ўрмончилик марказига қатнашдан чарчамаган Сайдулло бу ердан ҳам ўзига керакли маслаҳатларни ола билди.

— Ҳар бир манзарали дарахт ёки бутанинг ўз сири бўлади, — дейди фермер. — Бу сир унинг рангида, бўй-бастидида, қолаверса, кўзингизга ёқишида намоён бўлади. Айтилик, оқ қайин дарахти барги енгил шаббодада ҳам шундай тебранадики, сиздаги толиқишни бир зумда йўққа чиқаради. Каштан ёхуд дуб дарахтининг сояси шу қадар мўътадилки, унинг



остида ўтирсангиз, ҳар қандай чарчоғингиз тумандек тарқаб кетади.

Ўзаро мулоқотда англаганимиз шу бўлдики, 20 йилдан буён ўрмончилик билан шуғулланиб келаётган фермер ҳанузгача ўрганишдан, қиёслашдан, йил сайин тажрибасини оширишдан чарчамас экан. У вақт топди дегунча республикамизнинг шаҳар ва қишлоқларини оралаб, маҳаллий манзарали дарахтлар тарихи билан қизиқади. Ана шу қизиқишлар боис хўжалигида тут, мажнунтол, садақайрағоч каби табиатимизга мос, соя бериши юқори бўлган дарахтларни кўпайтиришга киришди.

— Виложатимизнинг мен ораламаган бирорта қишлоғи қолмади, — дейди Сайдулло. — Шундай сафарлардан бирида Андижон туманининг адирга туташ Дўнқишлоғида шу қадар чиройли, сояси бир гузарни баҳраманд этаётган садақайрағочни кўриб, қизикдим. Маҳалла оқсоқолларидан изн сўраб, садақайрағочнинг илдизидан қовлаб олдим. Бугун ўша илдизлар ҳисобига 500 тупдан зиёд кўчат етиштиришга эришдим. Насиб бўлса, 2014 йилдан бошлаб садақайрағоч кўчатлари тайёр бўла бошлайди.

Сухбатимиз давомида Сайдулло ланд-

шафт меъморчилиги ва унинг кўкаламзорлаштиришдаги аҳамияти ҳақида ҳам гапирди. У айнан ландшафт меъморчилигини ўрганиш мақсадида Тошкентга, ҳатто Хитойгача бориб келибди. Унинг таъкидлашича, шаҳар ва қишлоқлар ободончилигини таъминлашда кўкаламзорлаштириш ишларини санъат даражасига олиб чиқиш лозим. Бунинг учун эса ландшафт меъморчилиги ва дизайни масаласига алоҳида эътибор бериш муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда “Сайдулло Темиров” фермер хўжалигида 25 турдаги манзарали дарахт ва буталар етиштириш йўлга қўйилган. Бу ерда тайёрланаётган кўчатларга наинки виложатда, балки республикамизнинг бир қатор ҳудудларида ҳам мижозлар бор. Бугун юртимизнинг қай бир томонига борманг, бунёдкорлик ва яратувчанлик ишларига гувоҳ бўласиз. Сайдулло Темиров эса ана шундай шароитда кўкаламзорлаштиришнинг айни бунёдкорлик билан ҳамоҳанг тарзда юртимиз чиройига янада чирой қўшишига ишонганлиги боис, изланишдан, янгилик яратишдан чарчамайди.

Қобилжон АСКАРОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

Пскентлик Абду-малик Қаюмов раҳбарлик қилаётган «Маҳаммад-жон-Жаҳонбу» фермер хўжалиги дастлаб чорвачиликка ихтисослашган эди. Қишлоқ мулкдорлари тажрибаси ошгани сайин бошқа тармоқларни ҳам йўлга қўя бошлади.

ҲАР ҚИРРАСИ САМАРАДОР

Ўтган йили 11,5 гектарлик галла ва 10 гектар майдондаги пахтадан мўл ҳосил олинди. Чорва озуқа базасини мустаҳкамлаш учун етарлича сомон жамғарилди, шелуха-шрот олинди. Энг муҳими, озуқа кўпайиши ҳисобига фермер хўжалиги таркибидаги мавжуд қорамоллар сони 150 бошга етди. Соғин сизирлар 30 бошни ташкил этмоқда. Сутни кўпайтириш мақсадида парвариланаётган 40 бош ғунажин ҳам етилиб қолди. Бундан ташқари, бўрдоқига боқилаётган 38 бош қорамол гўштга сўйиш учун тайёр.



— Обод турмуш йилида халқимиз фаровонлигига муносиб ҳисса қўшиш мақсадида хайрли мақсадларни кўзлаб турибмиз, — дейди Абдумалик Қаюмов. — Шу кунларда аҳоли ва болалар боғчаларига тортиқ қилинаётган сут ва гўшт миқдорини кун сайин оширишга ҳаракат қиляпмиз. Маҳсулотни қайта ишлаш бўйича замонавий технология асосида янги цех очишни режалаштирдик. Бунинг учун, аввало, фермамизни бугунги кун талаби асосида қайта қуриш тақозо этилади. Ҳозирда молхоналарнинг янги қурилиш лойиҳалари тайёр бўлди.

Хўжалик бедазорлари ҳозирча 20 гектардан иборат. Келгусида қорамоллар бош сонини ошириш ҳисобига озуқа экинлари майдонларини янада кенгайтириш имкониятлари бор. Мавжуд 2,5 гектарлик боғ ҳам жамоа иқтисодини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Экиш мавсумини муваффақиятли ўтказган фермер хўжалиги деҳқонлари бугунги илиқ кунлардан фойдаланиб, экинлар парваришига зўр беришмоқда. Бу тадбирларда Дилшод Содиков, Шухрат Қаюмов ва Ботир Камолов сингари жамоа аъзолари фаол иштирок этишяпти.

Иброҳим ТОШЕВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

 Қорақалпоғистон Республикаси

 ЗАМОНАВИЙ АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР — ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

ЕРЛАРНИ ЛАЗЕР НИВЕЛИРИДА ТЕКИСЛАШ — САМАРАЛИ УСУЛ

Қонликўл туманида экин майдонларини лазер нивелирида текислаш технологиясини жорий этишга бағишланган тренинг машғулоти бўлиб ўтди. Дастлаб ерларни лазер нивелирида текислаш технологиясини бўйича мутахассисларнинг маърузалари тингланди. Сўнгра Қосжап овул фуқаролар йиғини ҳудудидаги Шукрулла Саъдуллаев раҳбарлик қилаётган “Мустафо агросервис” агрофирмаси даласида махсус ускуналар амалда ишлатилиши намойиш этилди. Тренинг машғулотида Қонликўл, Шуманай ва Муйноқ туманларидан 78 нафар фермер иштирок этди.

Тадбир БМТнинг “Орол денгизи фожеаси натижасида зарар кўрган аҳолининг турмуш тарзини яхшилаш” Дастури доирасида ташкил этилди. Оролбўйида ерларни лазер нивелирида текислаш технологиясини жорий этиш бўйича саъй-ҳаракатлар Глобал экологик жамғарманинг Кичик грантлар Дастури, Хоразм Агро-маслаҳат маркази (KRASS) ва Қорақалпоғистон Республикаси Фермерлар кенгаши билан ҳамкорликда олиб борилмоқда.

Оролбўйида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш талаб қилинади. Сўнги йилларда юзага келган экологик муаммолар ва тупроқнинг кучли шўрланиши оқибатида сув ресурсларининг танқислиги сезилмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси Фермерлар кенгашининг маълумотларига кўра, қишлоқ хўжалиги майдонларини сув би-

лан таъминлаш даражаси талаб этилади-ган ҳажмининг атиги 30-40 фоизини ташкил этади. Бундай вазият қишлоқ хўжалигига катта зарар етказиши билан бирга фермерларнинг оладиган даромадларига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Шунингдек, сув ресурсларининг танқислигига баъзи жойларда обихаётдан самарасиз фойдаланиши ҳам сабаб бўлмоқда. Чунки айрим ҳудудларда ҳануз эскирган суғориш технологиялари ва усулларидан фойдаланиб келинмоқда. Натижада самарадор, сувни тежайдиган технологиялар талаб қилинмоқда. Бундай тежамкор технологиялардан бири экин майдонларини лазер нивелирида текислаш ҳисобланади.

— Бун каби технологиялардан фойдаланиш сувни 25 фоизгача тежашга имкон беради, — дейди Хоразм Агро-маслаҳат маркази (KRASS) экспертларидан бири, қишлоқ

хўжалиги фанлари номзоди Ойбек Эгамбердиев. — Лазер нивелири қўлланилган дала-ларнинг юзаси бир текис бўлиб, баланд-пастликларнинг йўқлиги билан фарқ қилади. Бундан ташқари, далаларда намлик бир текис сақланиб, уруғларнинг унвчанлиги ва ўсимликларнинг озика моддалари билан таъминланиши яхшиланади. Энг муҳими, ҳосилдорлик 5-7 центнерга ошади. Глобал экологик жамғарманинг Кичик грантлар Дастури ва Агро-маслаҳат маркази экспертлари томонидан Хоразм вилоятидаги иккита кўргазма даласида лазер нивелирида текислаш технологиясини жорий этиш натижасида сувнинг 20 фоиздан 25 фоизгача тежаланиши, ҳосилдорлик эса 5 фоиздан 10 фоизгача ошишига эришилди.

Тадбирда Шуманай ва Қонликўл туманларида танлаб олинган фермер хўжаликларига 6 та лазер текислаш тақдим этилди. Глобал экологик жамғарманинг Кичик грантлар Дастури доирасида Қорақалпоғистон Республикасининг жанубий туманларига қўшимча яна 6 та шундай мосламаларни тақдим этиш назарда тутилган.

Экин майдонларини лазер нивелирида текислаш технологиясини жорий этишга бағишланган тренинг машғулоти Муйноқ туманида ҳам ўтказилди.

Давуд АБИБУЛЛАЕВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

ГАЗ БИЛАН ЎЗБОШИМЧА МУНОСАБАТ БОШГА ТАШВИШ КЕЛТИРАР

Қудалар тўйни белгилаб кетишганидан бўён Маҳзунанинг ҳаловати йўқ. Ахир ҳали тўй либоси танлаши, кийимларини тиктириши керак-да. Ана шундай ширин ташвишлару йй-хаёллар билан ошхонага кирган Маҳзуна чироқни ёқди...



мани Тинчлик маҳалласида яшовчи фуқаро Саидов "Нексия" автомобилига ўрнатилган газ баллонидан маиший газ баллонига пропан газини резина шланг орқали қўлбола усулда қуяётган вақтда чақнаш содир бўлиб, дарвозахонанинг том қисми ва енгил машина ёниб кетган. Тўрт нафар киши турли даражада жиддий тан жароҳати олган. Давлат ёнгин хавфсизлиги Бош бошқармаси томонидан аҳоли турар-жойларида ёнгинларнинг олдини олиш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида профилактика инспекторлари, маҳалла поблонлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, уй-жой ширкатлари, газ ва электр идоралари ходимларидан иборат 692 та ишчи

гуруҳлари тузилди. Хозирга қадар ушбу гуруҳлар томонидан 1 миллион 244 та якка тартибдаги аҳоли турар жойлари ҳамда 16 минг 641 та қўп қаватли уйларнинг ёнгинга қарши ҳолатлари текширувдан ўтказилиб, 13 мингдан ортиқ носоз дудбуронлар, 11 мингга яқин резина шланглар ҳамда 969 та электр энергиясидан ноқонуний фойдаланиш ҳолатлари аниқланди. 4 минг 600 дан ортиқ газ сўриш мосламалари олдириб ташланди. Бундай ҳолатлар юзасидан жавобгар шахсларга тегишли жазо чоралари қўрилди.

Анвар ХУДАЙКУЛОВ, Давлат ёнгин хавфсизлиги Бош бошқармаси катта муҳандиси, майор.

"Тез ёрдам" етиб келганида танасининг аксарият қисми куйган, яшайдан умид қолмаганди. Ўша куни Маҳзуна газ плитасининг духовкасини пастроқ қилиб ёқиб қўйганди. Шаббадан дераза очилиб, газ ўчиб қолибди. Бундан беҳабар онаси эса чангтўзон кирмаслиги учун барча ойналарни ёпиб қўйганди.

Кўриниб турганидек, оловга озгина эътиборсизлик ҳам офатга айланиб кетиши, ўз ортидан катта ташвишларни олиб келиши мумкин. Унинг олдини олиш эса кўп ҳижатдан аҳоли ўртасида олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишларига боғлиқ. Шу мақсадда ёнгин хавфсизлиги, газлаштириш ва электр тармоғи ходимлари хонадонлар ва маҳаллаларда бўлиб, тушунтириш ишлари олиб боришяпти, суҳбатлар уюштиряпти.

Афсуски, аҳоли орасида ёнгин хавфсизлиги ходимларининг тарғи-

бот-ташвиқотларига қарамай, газни назоратсиз қолдириш, носоз ускуналардан фойдаланиш ҳолатлари ҳамон учраб турибди. Айтиқса, хорижий мамлакатларда ишлаб чиқарилган асбоблардан тўғри фойдалана билмаслик кўплаб кўнгилсиз воқеаларни келтириб чиқараётир. Оқибатда йиллар давомида меҳнат қилиб кўтарилган уйлар, молу мулклар санокли дақиқалар ичида кулга айланаётгани ачинарлидир. Энг ёмони, "тилсиз ёв" қанчалаб инсонларнинг умрига зомин бўляпти.

Масалан, Қарши тумани Қуйи Бишкент қишлоғида яшовчи Муҳиддиновлар уйида газ баллонга уланган плитанинг жўмрағи очик қолганлиги туфайли, ошхонага газ йиғилган. Уй эгасининг қизи ҳидни сезмасдан гугурт ёққан пайтда ёнгин содир бўлиб, танаши қуяди.

Яна бир кўнгилсиз ҳолат: Фузор ту-

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«KOSIMAS MILK SAVDO XIZMATI» МЧЖНИНГ АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ БАРЧА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ, ШУ ЖУМЛАДАН, КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ ХАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРНИ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.05.2011 йилдаги 147-сонли қарори ва Андижон вилояти Андижон шаҳар ҳокимининг 2012 йил 9 ноябрдаги 735 К-сонли қарорига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қуйидаги ер участкаларидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи кўйилмоқда:

1. Курилиш материаллари сойтиш биноси қуриш учун Андижон шаҳар "Жума бозор" МФЙ ҳудуди 2-зонасида жойлашган 1 дона, 144,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 104 649 сўм.

2. Савдо дўкони биноси қуриш учун Андижон шаҳар Бўстон даҳаси У.Юсупов кўчаси бўйида қурилиш режалаштирилаётган савдо мажмуаси ҳудудидаги, 2-зонасида жойлашган 24 дона, ҳар бири 36,0 кв.м.дан ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 26 162 сўмдан.

3. Автошоҳбەкат қуриш учун Андижон шаҳар Бобур шоҳ кўчаси бўйида, 1-зонасида жойлашган 1 дона, 5000,0 кв.м. ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 4 725 350 сўм.

4. Мевали боғ ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун Андижон шаҳар Бўстон даҳаси ҳудуди 2-зонасида жойлашган 1 дона, 400,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 290 692 сўм.

Мажбуриятларни бажариш муддати 2013 йил декабрь.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Андижон шаҳар архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб расмий иш кунларида қабул қилинади ва 2013 йил 21 май куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини олиш ва ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини АТБ "Савдогарбанк" Андижон филиалининг 20208000104920609005, МФО 00081, СТИР 207122519.х/рга тўлашлари шарт.

Талабгорларнинг конвертлари Андижон шаҳар ҳокимлиги биносидан 2013 йил 22 май куни соат 11:00 да очилади, 2013 йил 22 май куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносига таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор ғолиб деб топилади.

Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар буюртманомаси билан бирга қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада тақдим этади:

- юридик шахслар - давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

- жисмоний шахслар - паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), ваколатли вакил қатнашган тақдирда шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

- танлов ташкилотчисига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидаги нусха;

- танлов ҳужжатлари талабгорига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатларини олиш учун савдо ташкилотчисининг манзили: Андижон вилояти Андижон шаҳар Навоий шоҳ кўчаси 30-уй 105-хона, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси биноси.

Тел/факс: (8-374) 224-37-86, rieltssavdo@inbox.uz. www.1kms.uz. Лицензия № RR 0001.

Table with 2 columns: Property details and Seller/Company information. Includes addresses, identification numbers, and contact info for various real estate and business listings.

AGROTEKHNIKA advertisement listing various agricultural machinery like tractors, harvesters, and plows. Includes contact info for SN INVEST.

Legal notices and real estate listings. Includes information about property sales, licenses, and company registrations.

Advertisement for Fermerlar Kengashi (Farmer's Association) in the Xorazm region, offering services and support.

Кўз ўйнак

Устахона мудури Тожинор ака таъмирлаш ишлари якуний ҳисоб-китобини охирига етказолмай хуноби ошиб ўтирганди. Шу пайт унинг олдига тракторчи Ўлдош келиб келди. Кўллари қорамой, ҳасратидан чанг чиқади:

— Ака, озроқ ремонтга ёрдам бермасангиз бўлмайди, эскини ямаб, эсим кетяпти. Тожинор ака кўлидаги сигаретани босиб-босиб тортди-да, кулдонга эзди.

— Қаердан оламан ўша запчастингни, ука, бу дардингни раисга айт. Ўлдош эзмаланиб яна тушунтира бошлаган эди, Тожинор аканинг жаҳ-

ли кўзиди. Кўзойнагини пешонасига кўтарар экан ўшқирди:

— Эй, ука, тоза бошимни қотирдингку, ўзимнинг ишим бошимдан ошиб ётибди, “отчет” тайёрлаялман. Чиқ-ей!

Тракторчининг тарвузи кўлтигидан тушиб, идора томон кетди.

“Эй, тавба-ей, бир пас тинч қўйишмайди-я, нима, менинг запчаст заводим борми?” Тожинор ака асабий ҳолда ёзувчизувини давом эттирмаққа ўтирди. Аммо... кўзойнак йўқ.

“Ҳа, хумпар, отанг тенги одам билан ҳазиллашишни кўрсатиб қўяман, сенга”. У идорага келиб раисни кутаётган тракторчига бақира кетди:

— Ҳой бола, ҳали сен мен билан ҳазиллашадиган бўлиб қолдингми, кўзойнак қани?

— Қанақа кўзойнак, — деди аввалига хайрон бўлган Ўлдош. Сўнг гап нимада эканлигини англади-ю, овозини борича қўйиб, кулиб юборди. Унга қабулхонадагилар ҳам қўшилишди. Негаки, кўзойнак Тожинор аканинг пешонасида ялтираб турарди.

Ўқтам САТТОРОВ

Ҳасиснинг хайрияси

«Сўви йўқ ариқ»

фермер хўжалиги бошлиғи Ҳаммон В. Кетмонов қишлоқда у ер, бу ерларда иш вақариб юрадиган Олмос Ҳасиснинг девор урив беришга ишга ёллади. Келишув бўйича ўз мингга ва вақарга қилинди. Иш битди. Бунга қаранг, Ҳаммон В. Кетмонов тирриқлик қилиб, нонуштага, тўшликка кетган харажатларни ҳам ҳисоб-китоб қилиб, шартномада келишилган нўнанинг энгдан ўрмоқчи бўлди.

— Катта гулли пиёладаги қаймоқ 8 минг сўм, 2 дона Кўкон патирчи 6 минг сўм, икки коса норин 9 минг сўм. Тушликка сўйилган қирқма қовун ўн бир минг сўм, оққанд, қалампир, мурч ва ҳоказоларни жамласак, эллик минг келиб чиқади. Мана бу эллик мингни олда ишингга рози бўл. Айтгандай, хотин, хо-о хотин, устунда осилиб турган эски костюмни ҳам бериб юбор, бу Аллоҳ йўлида хайри-аҳсон бўла қолсин...

Эр-хотин чойлашиб бўлиб, юзларига дуо тортишди.

— Менга эски костюмимни опчиқиб бер?

— Нима деяпсиз? Боягина Олмос акага хайрия қилдингиз-ку.

— Шошма, шошма, тез югур. Чўнтақда кеча сотган қўйнинг пули — икки юз минг сўм бор эди-я...

Ашурали БОБОҚУЛОВ

Хўжаобод тумани Эгамбердиобод қишлоғи

Ҳадик
Акмап муаллимнинг новвоси йўқолди. Бу ҳол қишлоқдошларни ўйга толдирди. Ахир, яқин йилларда бировнинг игнаси ҳам йўқолмаган эди-да. Ҳатто кимдан гумон қилишни ҳам билишмасди. Кимдир қишлоққа уч ой бурун кўчиб келган Дўлбой исмли кишидан чиқмадимикан бу хунар деганида, оқсоқоллар уни жеркиб беришди. Аммо сир бир ҳазил туфайли очилди.

у билан ҳазиллашгиси келиб қолди ва дарвозасини тақиллатди. Бунга жавобан, унинг саккиз яшар ўғилчаси чиқди.

— Дадангни чақир, Арслонжон, — деди дарвоза дарчасини гавдаси билан тўсиб турган Ходи муаллим. — Милисалар келишибди, улар аллақандай ўғрилик ҳақида суриштиришаётган экан, де.

Болакай ортига югуриб, бу гапни дадасига оқизмай-томизмай, айтибди. Шоди муаллимнинг кўнглидан “Бир

боғ қуриган шох-шабба учун милиса келмас-ов” деган ўй ўтса-да, дарвоза олди-га чиқди. Ходи муаллим муғомбирона жилмайиб, кучоқ очди.

— Ий-е, қани милисаларинг? — дея хайрон бўлди Шоди муаллим.

Ходи муаллим эса, “ҳазил”, деди-ю, таклиф-такаллуф ҳам кутиб ўтирмай, ичкарига йўл олди. Шу кун, иттифоқо, Шодининг уйда юқорида кимдир ўғриликда гумон қилган Дўлбой ҳам меҳмон бўлиб ўтирган, мезбон янги меҳмонни бошлаб кирганида, Дўлбой орқа дарчадан чиқиб, жуфтани ростлаб қолган эди. Шоди муаллим бу ҳолдан хайрон бўлиб, Ходига Дўлбойнинг кетиб қолганини айтганида, аввалига сабабини билолмай, иккови ҳам хайрон бўлишди. Сўнг чуқурроқ ўйлаб, милисанинг дарагини эшитиб, кетиб қолганини тахмин қилишди. Бу воқеани секингина участка инспекторига шипшитишганди, кенга бориб, ўғригина йигит Дўлбой экани, новвоснинг гўшти қўшни қишлоқда сотилиб, териси унинг ертўласида сақланиб тургани маълум бўлди-қолди.

Кизик, кимлардир чўпдан ҳадик олиб юрармиш, деганларининг маънисини шу экан-да!

Келди ДЎСТБЕК

Иримингдан ўргилдим...

Ҳаётда ирим-сиримларга астойдил ишонадиган одамларни кўп учратиш мумкин: кимдир қора нушукдан ирим қилса, кимдир идиш синганини ёмонликка ўйяди. Бу ҳанлайлиқ-я, лекин шундай иримлар борки, уларни кўриб ёки эшитиб ёқа ушлайсан киши.



Маҳалламиздаги Сожида хола ҳам ирим-сиримларга жуда муккасидан кетган аёл. Кундалик ҳаётдаги оддий ҳолатлардан ҳам ирим қилади. Энг ёмони, ҳар кун эрталаб кўчасига бир челақ сувни сепадиди-да, ўзича бир нарсалар деб пичирлаб яна уйига кириб кетади. Икки-уч марта шундай қилаётганини кўрганимдан кейин уни тўхтатиб, бундай қилишининг сабабини сўрадим.

— Ҳар кун эрталаб юз-қўлимни ювган сувни кўчага сепаман, — деди у. — Менга келган балоқазолар уйимдан нари кетсин, дейман-да.


— Сиз сувни одамлар юрадиган кўчага сепаяпсиз. Демак, сиз айтган балоқазолар кўчадаги одамларга борса майли экан-да, — дедим афсуслик билан.

Хола бу билан фақат мен яхши яшасам бўлди, бошқалар билан

ишим йўқ, демоқчи бўлдимки ёки кўнглида бундан ҳам ёмонроқ фикрлар борми, тушунолмаб қолдим. Шу-шу фақат ўзини ўйлайдиган ўша аёлга нисбатан фикрим бутунлай ўзгарди, очикроқ айтганда, ҳурматим йўқолди.

Орамизда шундай кишилар борки, шунчаки, аҳамиятсиз бўлган ҳар бир ҳаракатни-да иримга боғлайди. Тунов кун яқин бир дугонам ҳасрат қилиб қолди. Қайнонаси нукул қилган ишидан камчилик топиб, ёмонликка йўйиб ирим қилар экан: “Ҳой, супургини тикка қўйманг, фалокат олиб келади”, “Капгирни қозон чеккасига урманг, рўзгордан барақа қочади”, “Иккита супургини ёнма-ён қўйиб бўлмайди, уйда жанжал чиқади”.

Аслида мушоҳада қиладиган бўлсак, оиладаги келишмовчиликлар супургиларни ёнма-ён қўйишдан эмас, майда-чўй-



боғлиқ жиҳатлар мавжуд. Лекин юқоридаги сингари оила тинчлиги, инсон тақдирини қандайдир ноҳаётий иримларга боғлаш, очиги, майдакашлиқдан бошқа нарса эмас.

Назира опа биринчи турмушидан ўғли билан ота уйига қайтиб келган. Бунга ҳеч қаерда ишламайдиган эрининг тинимсиз калтакларию ичкиликка муккасидан кетганлиги сабаб бўлган. Ҳозир иккинчи оиласи билан аҳил-иноқ яшайди. Аммо муштипар бу аёл тўймаъракалардан доим ўзини четга олади. Бошқа аёллардай чиллахонада дуога қўл очиб, ёшларга бахт тилай олмайди. Ҳаттоки, келин-куёвлар ўзининг яқин қариндоши бўлса ҳам. Нега дейсизми, айрим ақсиз “ақллилар” икки турмуш қилган аёлга келинни ҳам, унинг сарполарини ҳам кўрсатишмайди. Гап орасида пичинг ҳам қилиб қўйишади. Ирими шунақа эмиш. Гўёки янги келинчақнинг бахти ҳам униқига ўхшаб қолармиш. Вой иримингдан ўргилдим, дегинг келади. Бу ҳолатни ҳеч ким сўров ёки таҳлил ўтказиб аниқламаган. Агар шундай таҳлил ўйлаганда ҳам натижа улар ўйлаганчалик бўлиб чиқмайди. Бу гап нодонликнинг маҳсули холос.

Баъзан бундай бемаъни ирим-сиримларни ким ўйлаб топар экан, дея таажубланаман. Менимча, бундай сафсаталар билимсизлик, мулоҳазасизлик оқибатида келиб чиқади.

Муқаддас БОБОМУҲАММЕДОВА

«СОВИТИЛГАН ТАОМ»

хақида «иссиқ гаплар»

ДУНЁДАГИ ҲАР БИР ХАЛҚ ВА МИЛЛАТ ЎЗИГА ХОС УРФ-ОДАТЛАРИ, МАРОСИМЛАРИ, ШУ БИЛАН БИРГА, БИР-БИРИНИ ТАКРОРЛАМАС ТАОМЛАРИ БИЛАН ҲАМ АЖРАЛИБ ТУРАДИ. ДУНЁ КЕЗУВЧИ ҲАР БИР САЙЁҲ ҚАЙСИ ЮРТГА САФАР ҚИЛМАСИН, «БУ МАМЛАКАТНИНГ ЎЗИГА ХОС ТАОМИ ҚАНАҚА ЭКАН» ДЕБ УНДАН, АЛБАТТА, ТАТИБ КЎРГИСИ КЕЛАДИ. ЮРТИМИЗНИНГ ҲАМ ЎЗИГА ХОС МИЛЛИЙ ТАОМЛАРИ МАВЖУД.



Сурхондарё ва Қашқадарё воҳаларига йўлингиз тушса, албатта, дастурхонда ўзига хос таом — тандир кабобни кўрасиз. Бу таомнинг мазасини нафақат юртимизнинг бошқа гушаларидан борган меҳмонлар, балки хориждан келганлар ҳам узоқ вақт ёддан чиқаришмайди. Яна шуниси қизиқки, бирор бир жойга хос бўлган таомни бошқа жойда ҳеч қачон ўша ердагидек тайёрлаш мумкин эмас. Масалан, Самарқанд нонини олайлик... Келинг, бу мавзуда ҳам бироз кейинроқ бафуржа гаплашамиз. Ҳозир эса тандир кабоб ҳақида. Қани, тандир бошига марҳамат.

«СОВИТИЛГАН ХОЛДА ЕЙИЛАДИ»

“Тандир кабоб” одатда совитилган ҳолда тановул қилинади. Совиганда ҳам таомнинг қуввати, мазаси ўзида сақланиб қолади. Бу таом асосан кўй гўшtidан тайёрланади, лекин уни эчки ва мол гўшtidан ҳам тайёрлашади. Чунки қон босими бор одамларга кўй гўшти оғирлик қилиши мумкин, шунинг учун кўп ҳолларда эчки гўштини ҳам тавсия қилиш мумкин.

«ТАНДИР»НИНГ ПЛЮС-МИНУСИ

Албатта, ҳар бир ишнинг ўз тартиб-қоидаси бўлганидек, ҳар бир таомни

меъерига етказиб тайёрлашда ҳам “майда-чуйда”, аммо жуда муҳим нарсаларга эътиборли бўлиш керак. “Тандир” меъерига етиши учун гўштни тайёрлаш ва зираворлар ишлатишда биринчи навбатда, оловнинг паст-баландлиги кузатилади.

“Тандир” чўғда пишади, агар кичикроқ улоқ бўлса, 20-25 дақиқа, каттароқлари 40-50 дақиқа туради. От, туя, ҳатто хўроқ, қурка, қуён, балиқ гўшtidан ҳам тандир тайёрланади. Энг асосийси, унга ҳеч қандай кимёвий моддалар қўшилмайди.

С.САФАРОВ тайёрлади.



ҚҲЙ (21.03 — 20.04)

Келаётган ҳафтада режалаштирган ишларингиз кўп. Бу сизга кўшимча даромад топиш учун берилган яхшигина имконият эканлигини унутмаган ҳолда отингизни қамчиланг.

БУЗОҚ (21.04 — 20.05)

Ҳафта мобайнида уй таъмирлаш, янги жиҳозлар сотиб олиш каби таъшишлар билан банд бўласиз. Уларни ҳал этишда иқтисодий имкониятларингизни ҳисобга олишни маслаҳат берамиз.

ЭГИЗАКЛАР (21.05 — 21.06)

Шу кунларда фаолиятингизда жуда муҳим ўзгаришлар бўлиши кутилмоқда. Ишонинг, барчаси яхшиликка, тўғрироғи, ҳаётингизда ёруғ кунлар бошланишига бир қадам қолди.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06 — 22.07)

Ушбу ҳафтада сизнинг ошигингиз “олчи” бўлиши мумкин. Шу боис, фаолиятингизда бундан-да фаолашишингизга тўғри келади. Ҳар сониядан унумли фойдаланишга ҳаракат қилинг.

АРСЛОН (23.07 — 23.08)

Келаётган ҳафтада сизни ижодий ютуқлар кутмоқда. Авваллари гоёларингизга жиддий ёндашмаганлар бу га, албатта, сизга тан бериб, мулоҳазаларингизни қўллаб-қувватлайди.

ПАЗИЗОД (24.08 — 23.09)

Шу ҳафтада яқинларингиз билан кенгашиб амалга оширган ишингиз муваффақиятли яқун топади. Халқимизда “Кенгашли тўй тарқамас” деган мақол бежизга айтилмаганига амин бўласиз.

ТАРОЗИ (24.09 — 23.10)

Раҳбарият томонидан фидокорона меҳнатингиз қадрланиб, сизни тақдирлашлари мумкин. Бу сизга ҳафта сўнгига муҳим лойиҳани амалга оширишингизда руҳий мадад бўлса, не ажаб.

ЧАЁН (24.10 — 22.11)

Бир қарашда ҳал этиб бўлмайдиган оғир вазифалар олдида асло чўчиманг. Сиз барчасининг уддасидан чиқасиз. Ҳеч қандай қийинчиликлар йўлингизда “ғов” бўла олмайди.

ЎҚОТАР (23.11 — 21.12)

Сиз аксарият ҳолларда ўз фикр-мулоҳазаларингизни бошқаларга ўқитишга ҳаракат қиласиз. Аммо ушбу ҳафтада бошқаларнинг ҳам фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашингизга тўғри келади.

ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12 — 20.01)

Ҳафта бошида гўё топган пулларингиз сувдек оқиб кетаётгандек туюлади. Бундан кўп қайгурманг. Дам олиш кунлари даромадингиз ортиб, молиявий аҳволингиз анча барқарорлашади.

ҚОВҒА (21.01 — 20.02)

Сизни иш фаолиятингизда ажойиб тақлифлар, истиқболли лойиҳалар кутмоқда. Ҳар қандай вазиятда ҳам хушмуомала, сабр тоқатли бўлишга, муросяо мадора йўлини тутишга ҳаракат қилинг.


БАЛИҚ (21.02 — 20.03)

Келаётган ҳафтада оила аъзоларингизни хурсанд қилиш учун кўпроқ харажат қилишингизга тўғри келади. Майли-да, яқинларингиз улар учун нималарга қодир эканлигингизни бир кўриб кўйсин.

Похола жозива бахи этив...



Оддий похолдан миллий хунармандчилик ва ўзбек миниатюра санъатининг юксак намуналарини яратаётган бухоролик хунарманд-рассом Акмал Муҳиддинов кўплаб халқаро кўргазмалар иштирокчиси.



“Хунарманд” уюшмаси аъзоси А.Муҳиддиновнинг ижодий ишларида Бухорои шарифнинг қадим афсоналари акс этган. Юксак дид, ноёб истеъдод уйғунлигида яратилган санъат намуналари кўпчиликка манзур, айниқса, хорижлик сайёҳларнинг доимий эътиборида. Оила аъзоларига ўз хунарини ўргатган ижодкор айни вақтда кўплаб ёшларни “устоз-шоғирд” анъанаси асосида похолга жозива бағишлаш санъати сир-асрорларидан хабардор қилаётир.

Тоҳир ИСТАТОВ (ЎЗА) олган суратлар.

Бош муҳаррир:
Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агрисаноат комплекси таркибидagi ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Зафар РЎЗИЕВ, Улугбек УЗОҚОВ, Фарход ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОВ, Абдивахоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Омонулла ЮНУСОВ, Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ренат НАЗАРОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).



ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 236-58-83, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-56-30, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-56-21, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 236-56-25, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:

Қорақалпоғистон Республикаси — (+99890) 728-09-78; ВИЛОЯТЛАР: Андижон — (+99893) 630-73-03; Бухоро — (+99891) 247-29-59; Жиззах — (+99890) 297-44-09; Навоий — (+99891) 537-14-36; Наманган ва Фарғона — (+99890) 278-95-87; Самарқанд — (+99891) 537-24-95; Сирдарё — (+99894) 168-23-60; Сурхондарё — (+99890) 519-86-50; Тошкент — (+99890) 976-39-58; Хоразм — (+99890) 438-71-25; Қашқадарё — (+99891) 635-08-03.

Реклама ва эълонлар:

**236-58-83,
233-28-04.**

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

ISSN 2030-7023



Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Навбатчи муҳаррир:
Ш.ЙЎЛДОШЕВ

Мусахҳих:

О.ОЧИЛОВ

Дизайнер:

М.БОБОМУХАММЕДОВА

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади.
Буюртма Г-414, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-3.

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

E-mail: info@qishloqhayoti.uz qh02@rambler.ru

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 21.35
22777 нусхада босилди. Нашр индекси — 144

Газета тахририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида босилди.
Манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5